

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА ЖИСМОНИЙ
МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТИ

Бошланғич таълим методикаси кафедраси
п.ф.н Саттаров Бахтиёр Катибжановичнинг
Мактабгача ва бошланғич таълим узвийлиги
ва узлуксизлиги муаммолари

НОМЛИ

МАҚОЛАСИ

Наманган-2019

МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УЗВИЙЛИГИ ВА УЗЛУКСИЗЛИГИ МУАММОЛАРИ

2017 йил 30 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим Вазирлигини ташкил қилиш ҳақида"ги Қарорига биноан мактабгача таълим Вазирлиги ташкил қилинди. Вазирлик олдига мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қуйидаги вазифалар қўйилди:

- давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари таркибини кенгайтириш;
- уларни юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш;
- мактабгача таълим муассасалари (МТМ) томонидан болаларни қамраб олишни кўпайтириш;
- замонавий дастурлар ва технологияларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш;
- болаларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш [1].

Кўриниб турибдики, бу қўйилган вазифалар мактабгача на бошланғич таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаб берувчи вазифалардир. Мактабгача ва бошланғич таълим - узлуксиз таълимнинг муҳим таркибий бўғини ҳисобланади. Ўғил-қизларнинг боғча ва мактаб ўқув дастурини қандай ўзлаштириши кўп жиҳатдан МТМ ва бошланғич таълимда олинган таълим-тарбияга боғлиқ. Шу боис ҳам давлатимиз таълим сиёсатида мактабгача ва бошланғич таълимни ривожлантиришига алоҳида урғу қўйилмоқда.

Сўнги йилларда таълим босқичларида таълим-тарбия жараёни узлуксизлиги ва узвийлиги масалалари илмий педагогик тадқиқотлар ва амалиётчи педагоглар фаолиятида аҳамиятли ўрин эгалламоқда. Оғриқли ва муҳим муаммолардан бири - мактабга бориш бола учун ҳам, унинг ота-онаси учун ҳам «руҳий шикастланиш» ҳолати дэб изоҳланмоқда. Мактаб ва МТМ педагогларининг бу ҳолатни билишлари жуда муҳимдир. Сир эмаски, боғчада тарбиячи - иккинчи она. У болани эркалаши ва уришиши мумкин. Бола бундай тарбиячига таптипади, унга ишонади. Энди бола мактабга келди. Муҳими, ўқитувчининг болага муносабати тарбиячининг муносабатидан фарқ қилмаслиги керак. Шундай қилиш керакки, бола ўқитувчи тимсолида яқин одамими, ўша қийин пайтларда қўлини чўзадиган, унинг қувончига шерик бўладиган дўстини кўрсин. Бошланғич синф ўқитувчиси жуда меҳрибон инсон бўлиши керак. Бу мавзу анчайин тарихга эга бўлиб, ҳозирча очик қолмоқда. Кейинги пайтларда мактаб ва мактабгача таълим узвийлиги масаласи нафақат ечимини топди, балки янада муҳимроқ масалага айланди. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири - масала ечимини анъанавий таълим тизими доирасида қидирилишидир. Бизнингча, муаммо ечимини топишда боланинг ривожланиш йўналишида излаш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, таълимнинг бир поғонасидан иккинчи поғонасига ўтиш жараёни болалар учун ҳам, ота-оналар учун ҳам ҳар доим қатор қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган. Бу қийинчиликлар объектив ва субъектив характерга эга ва қуйидаги муаммолар билан боғлиқ:

- боланинг ўтган давридаги рухий хусусиятлари;
- ўқув юкламасини ўсиши;
- кун тартибини ўзгариши;
- ўқитувчилар томонидан қўйиладиган талабларнинг фарқлиги;
- тарбиячига нисбатан ўқитувчининг бола билан муомала қилиш услубини ўзгариши [2].

МТМда шаклланган болалар тараққиёт манбаи мактабда тўхташи мумкин эмас, балки у ерда талаб қилиниши ва қўпайтирилиши керак ва мактаб МТМни ривожланиш меъерини белгилаши зарур. Муаммо шундаки, анъанавий "бўйортма" - болани мактабга тайёргарлигини, унинг ўқиши, ёзиши, санаши ва кўрсатмаларни бажариши билан ўлчанади. Бу ҳолатда мактабгача ва мактаб таълими узвийлиги мактабга тайёргарликнинг тор доираси билан алмаштирилади. Дарҳақиқат, узвий алоқалар болаларга МТМда ўргатилган шахсий маданият асосида ҳар хил фаолият турлари ва билим соҳаларини ўзлаштиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Мактабгача ва бошланғич таълим орасидаги узвийлик турли йўналишларда амалга оширилади. У иккита моделни ташкил қилади: анъанавий ва ривожлантирувчи.

Моделларнинг характерли хусусиятлари бизга таълимнинг икки босқичини узвийлигини таъминлашда бир-биридан фарқли ёндашувлар мавжудлигини таъкидлашга имкон беради. Шу билан бирга анъанавий модел шартлари ҳозирги даражада узвийликни таъминлаш учун етарли эмас. Бу қўйидагиларда ўз аксини топади:

- таълимнинг ўзгарувчанлиги шароитида мактабгача ва бошланғич таълим тизимида узвийликни таъминлашга нисбатан фарқли ёндашувнинг йўқлиги;

- МТМни бошланғич мактабнинг мақсад ва талабларига бир томонлама мослашишга йўналтирилганлиги (бунинг натижасида узвийлик муаммоси мактабга тайёргарлик муаммосига олиб келади, бу эса нафақат ташкилий, балки технологик шаклларда ҳам ўз аксини топади);

- болаларнинг боғча ёшидан кичик мактаб ёшига ўтиш босқичидаги рухий ўзгаришларини ҳисобга олмаслик;

- узлуксиз таълимнинг умумий стратегик устиворлигига бепарволик.

Мактабга келганидан сўнг, бола мунтазам фаолият билан шуғулланади. Катта болалар жамоаси аъзоси сифатида фаолият юритади ва ўқиш билан шуғулланади. Ушбу босқичга тайёргарлик болалар боғчасида амалга оширилмоқда.

Узвийлик - ҳар бир ёш даври учун умумий ва ўзига хос мақсадларга эга бўлган бола тарбияси ва таълимий жараёндир, яъни ривожланишни турли босқичлари ўртасидаги алоқадир.

Мактабгача ва бошланғич таълим дастурларининг узлуксизлиги муайян устувор мақсадларга эришишни кўзлайди. Мактабгача таълим босқичида бу - саломатликни мустаҳкамлаш ва асраш, боланинг жисмоний ривожланиши, унинг умумий иқтидорини ривожлантириш, эркинлик ва билиш фаолиятини

ривожлантириш, кейинги босқичда муваффақиятли таълим ва ҳиссий фаровонликни таъминлаш, ўзига ншончни ривожлантириш.

Бошланғич таълимда бу - баланинг жисмоний маданияти; ёшга оид болани ривожланиши ва ижтимоийлашуви; атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларнинг турли шакллари ривожланиши.

Шубҳасиз, узвийлик ва узлуксизлик бу икки ёнлама жараён. Бир томондан, болалик кадр-қимматини сақлайдиган мактабгача босқич бола шахсий сафатларини шакллантиради ва, асосийси, болалик қувончларини асрайди. Иккинчи томондан, бола ютуқларини янада ривожлантиради. Лекин бу идеал вариант. Албатта, узвийлик муаммоларининг ечимида юқори кўрсаткичга эришган ва узлуксиз таълим дастурлари бўйича ишлаётган мактаб ва МТМлар йўқ эмас. Бироқ ҳамма педагоглар ҳам бу муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилаётганлари йўқ. Аксарият ҳолатларда болани мактабда ўқишига тайёрлаш билан чекланиб қолинмоқда.

Ҳар бир бошланғич синф ўқитувчиси ўқиш бошланишидан 1 йил олдин бўлажак ўқувчи ва унинг ота-оналари билан муайян ишларни амалга оширади. Ота-оналар мажлисида педагоглар ота-оналарни таълим дастурлари, мактаб талаблари билан таништирадilar ва уларнинг саволларига жавоб берадилар. Бундан ташқари, ўқитувчилар болалар боқчаси дастурлари билан танишадilar ва тайёрлов гуруҳлари машғулотларига кирадilar. Кўпинча тарбиячилар ўқитувчиларга боқчадаги машғулотлар мактабдаги дарслардан фарқи йўқлигини кўрсатиш мақсадида уларни тақлиф қиладilar.

Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бу болалар бир ойдан сўнг ўқишни хоҳламасликларини айтмоқдалар. Сабаби - биринчи синф дастури қисман боқчада кетма-кетлик сақланмаган ҳолда ўтилган. Кўриниб турибдики, на ўқитувчи ва на ота-оналар бола саломатлиги ҳақида ўйламаганлар.

Мактабгача таълим ва бошланғич таълим орасидаги узвийликни фақат болани ўқишга тайёрлаш деб тушуниш керак эмас. Болани мактабга тўлиқ тайёрлаш унинг соғлиғи, ҳиссиётлари, билим ва бадиий ривожланиши, мулоқот кўникмаларини тақазо этади. Узвийликнинг асоси таълим стандартларида кўрсатилиши керак.

Мактабгача таълимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш ва сақлаш;
- билимларини кенгайтиришга интилиш ва билимга чанқокликни ривожлантирин;
- асосий билим жараёнларини (нутқ, тасаввур, тафаккур, диққат, хотира) шакллантириш ва ривожлантириш;
- мулоқот малакасини, хулқ-атворини шакллантириш;
- ташаббускорлик, мустақиллик ва фаолликни ривожлайтириш;
- ўқиш-ўргиниш фаолияти усуллари шакллантириш.

Шундай қилиб, мақсад - боланинг жонли фикрлаши, ҳаётга қизиқиши, ўрганишга ҳоҳиши, ахборот қабул қилиши ва таҳлил қилишга ўргатишдан иборат бўлиши ва МТМда таълим мактаб ҳаётига таҳлид бўлмаслиги керак.

Бошланғич таълимнинг мақсади - болаларнинг ҳар томонлама умумий

ривожланишини давом эттириш билан бирга ўқиш, ёзиш ва математика муҳим ўқув кўникмаларини ўзлаштиришга йўналтирилган бўлади.

Мазкур вазифани бажариш қуйидагиларни талаб қилади:

- болалар ижодий турларини педагогик жараёнга киритиш (ўйинлар, драматургия, бадиий моделлаштириш, эксперимент, оғзаки ижод, рақс ва мусиқа);

- эстетик циклга оид дарслар мазмунини бойитиш, болаларни миллий бадиий маданиятга ўргатиш;

- мактабда мавзули муҳитни ривожлантиришни ташкил қилиш;

- айниқса биринчи ўқув йилида ўйин услубларини кенг қўллаш.

Узвийликни амалга оширишда ота-оналар ва ўқутувчи бир бирларини яхши ўрганишлари муҳим аҳамият касб этади ва биргаликда бола тарбияси ва ўқишида яхши натижаларга олиб келади. Демак ота-оналар фаолияти шундай йўлга қўйилиши керакки, улар мактабга ишонч кўзи билан қарашлари, таълим тизимини ҳурмат қилишлари керак. Ота-оналар жамоасини педагог ходимлар ҳурмат қилишлари ва улар билан ишлашни билишлари зарур.

Тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчисини вазифалари бир биридан тубдан фарқ қилади. Уларнинг ҳуқуқ ва вазифалари норматив ҳужжатларда кўрсатилган. Агар тарбиячидан болаларнинг маънавий, руҳий ва жисмоний ривожланишлари учун гуруҳда илиқлик, меҳрибонлик муҳитини яратиш талаб қилинса, ўқитувчидан ўқувчиларнинг дастурда кўрсатилган мавзу (материаллар)ни ўзлаштиришлари талаб қилинади.

МТМ ва бошланғич мактаб ҳамкорлиги дастуридаги услубий ишлар хусусиятлари қуйидагича:

- Услубий ёндашувни амалга ошириш. Ўқув-тарбия ишларини ташкил қилишда яқиндан ҳамкорлик. Ўқитувчи ва тарбиячининг компетентлиги ва уларнинг касбий фаолиятини такомиллаштириш.

- Болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш.

- Ҳисобот, мақолалар (ва бошқалар) орқали ўқув-тарбия ишларини ахборотли таъминлаш.

- Мактабга тайёргарлик бўйича ўқитувчи ва тарбиячининг биргаликдаги услубий ишлари.

Демак, бугунги кунда мактабгача ва бошланғич таълимда ўқув жараёнини мукамаллаштиришга йўналтирилган ўқув-методик комплектларни ишлаб чиқиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу, биринчи навбатда, мактабгача таълим ва бошланғич таълим босқичлари ўртасида узлуксизлик ва узвийликни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 4-сон, 1054-модда.

2. Бойченко А.В. Преимственность дошкольного образования и начальной

школы // Приоритетные направления развития науки и образования: материалы XI-Международ. науч.-практ. конф. (Чебоксары, 27 ноября 2016 г).

3. Должикова Р.А. Федосимов Г.М. Реализация преемственности при обучении и воспитании детей в ДОУ и начальной школе. М, 2008.